

Жиззах вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари
бирлашмаси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят
худудий бошқармасининг
ҚҰШМА ҚАРОРИ

2019 йил «27» наурыз
2019 йил «18» наурыз
2019 йил «28» наурыз

№ 01-2185
№ 18-28^c
№ 431

Жиззах вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий-иктисодий, хуқуқий ҳимоясини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида 2019-2021 йиллар учун “Минтақавий келишув”ни тасдиқлаш хақида.

Жиззах вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий-иктисодий манфаатларини, меҳнат хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича 2019-2021 йиллар учун мўлжалланган Минтақавий келишувда белгиланган аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, қўп фарзандли ёрдамга муҳтож оиласаларга ҳомийлик асосида ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, бандликни таъминлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бериш, соғломлаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ишларида амалий ҳамкорликни давом эттириш мақсадида Жиззах вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати ва Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси қарор қиладилар:

1. Жиззах вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси томонидан ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2019-2021 йиллар учун ишлаб чиқилган Минтақавий келишувнинг бажарилишини назорат қилиш ва иш жараёнида юзага келадиган масалаларни ечимини таъминлаш доимий комиссияси таркиби 1-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Вилоят, шахар ва туманлар ҳокимлеклари, касаба уюшмалари туман (шахар) кенгашлари ҳамда Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси тасарруфидаги шахар, туман ахборот-маслаҳат марказларига, ушбу минтақавий келишувда кўзда тутилган тадбирларни бажарилиши бўйича доимий комиссияга мунтазам ахборот бериш вазифаси топширилсин.

1309 28 11 19

3. Вилоят телерадиокомпанияси, «Жиззах хақиқати» ва «Джизакская правда» газеталариға Минтақавий келишув борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш уч томонлама комиссия зиммасига юклатилсин.



Э.Салиев

Жиззах вилоят Касаба
уюшмалари ташкилотлари
бирлашмаси Кенгаши раиси



Н.Пардаев

Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси Жиззах вилоят
худудий бошқармаси бошлиғи



Ф.Усмонов

Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг 2019 . йил “27.”
июн даги от-185 сонли күшма
қарорига 1-илова


Келишувининг бажарилиши устидан назорат қилувчи уч томонлама комиссия

ТАРКИБИ

1. О.Сатторов - вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуи котибияти мудири.
2. А.Ихтиёров - вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари.
3. И.Абдурасулов - вилоят Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари.

Комиссия аъзолари

4. У.Нушаров - вилоят ҳокимилиги иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуи котибияти бош мутахассиси.
5. Х.Муртазов - вилоят Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг хукуқий масалалар бўйича сектор мудири.
6. Ш.Чўтанов - вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иктисодий манбаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.



O'ZBEKISTON
SAVDO-SANOAT
PALATASI

Жиззах вилоят ҳокимлиги,
Жиззах вилоят касаба уюшмалари
ташкилотлари бирлашмаси,
Савдо-саноат палатаси Жиззах худудий
бошқармаси ўртасида ижтимоий
-иқтисодий масалалар бўйича
2019-2021 йиллар учун

МИНТАҚАВИЙ КЕЛИШУВ

Жиззах шахри - 2019 йил

**Жиззах вилоят ҳокимлиги, Жиззах вилоят касаба уюшмалари
ташкилотлари бирлашмаси ва Савдо-саноат палатаси Жиззах худудий
бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича
2019-2021 йилларга мўлжалланган
МИНТАҚАВИЙ КЕЛИШУВ**

1. Жиззах вилоят ҳокимлиги (бундан буён - “Ҳокимлик”), Жиззах вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (бундан буён - “Касаба уюшмалари”), Савдо-саноат палатаси Жиззах худудий бошқармаси (бундан буён “Иш берувчи”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи муҳтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига ҳамда ташкилотларнинг уставларига амал килиб;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига амал қилган ҳолда;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”га асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришга кўмаклашиш зарурятини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчи ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш, аҳоли ҳаёт даражасини ошириш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни саклаш учун самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб, сиёsat олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи мазкур Худудий келишувни туздилар (бундан буён “Келишув”) ва ўз зиммаларига куйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириши.

2. Жаҳон бозорида мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш, иқтисодиёт сектор ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестицион фаолликни кучайтиришга қаратилған чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

- таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобига милий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда амалга ошириш;
- инвестиция мұхитини, жумладан, корхоналар, ахоли, хорижий инвесторлар инвестицияларини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда ривожлантиришга маблаг сарфлаёттан хұжалик субъектларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳисобидан янада яхшилашни таъминлайдиган аниқ мақсадли чора-тадбирларни ҳаётта тадбиқ этиш;
- иқтисодиётда хусусий мулк улушкини ошириш, соглом рақобат мұхитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соқаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мұхитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармонини бажариш бўйича келишилган чора-тадбирларни қабул қилиш;
- аграр секторда таркибий ўзгаришларнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтиш, шунингдек, фермерлик, дехқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун самарали ўзаро ҳисоб-китоб механизмларини ишлаб чиқиш ва бу маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини кенгайтириш орқали мамлакат озиқ-овқат ҳавфизлигини янада мустаҳкамлаш.

II. Меъёрий ижодкорлик ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш.

3. Мавжуд норматив ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳуқуқий майдонни кенгайтириш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва

манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

- ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иктисодий хукуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси иштирокини таъминлаш.

4. Иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари битиравчиларининг хукуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

5. Касаба уюшмалари аниқлаган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат хукуқларини судгача ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш.

6. Меҳнат кодексининг 101-моддасида назарда тутилган ҳолларда, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишида касаба уюшмасининг олдиндан розилигини олиш масалаларини бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшма кўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилишини таъминлаш.

6.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида икки томонлама Якка меҳнат низолари комиссиясини тузиш;

6.2. Якка меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги билан келишилган (12.01.2015 й., 20-66с, 15.01.2015 й., 01-СП) тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб бориш.

7. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида вилоят ташкилотлари, муассасалари ва идоралар билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

8. Сайёр қабуллар, ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш.

9. Вилоят ташкилотлари, муассасалари, корхоналар, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг Халқаро Мехнат Ташкилотининг конвенциялари нормаларини ташкилот локал хужжатларига киритиш бўйича ишларни амалга ошириш.

III. Мехнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси.

10. Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришини, вилоят фуқароларини ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

- мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини ошириш, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушкини **30** фойиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш;
- ижтимоий шерикларга меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслигига доир қўшимча чора-тадбирлар кўришни тавсия этиш;
- иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, энг кам иш ҳақи стандартларига риоя этилиши, энг кам меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткасинининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- жамоа шартномаларида иш ҳақи иш берувчиларнинг айби билан ўз вақтида тўланмаганлиги учун уларнинг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини назарда тутиш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлаш;
- иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар миқдори қонунда белгилаб қўйилган энг кам миқдордан паст бўлишига йўл қўймаслик;
- аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришини, вилоят аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутиб, минтақада нархнаволар ўзгариб боришига, инфляция даражасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш.

IV. Мехнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

11. Мехнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг оширишни ўз мақсади деб эътироф этган холда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласларни молиявий қўллаб-куватлаш;
- бандлик йўналишлари, тармоқлар ва худудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларида иш ўринлари яратилишига алоҳида эътибор қаратиш;
- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг ижтимоий мақбул даражасидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш;
- бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва ушбу ярмаркаларда аҳолининг иш топишда қийналаётган заиф қатламларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш;
- Олий, ўрта махсус таълим муассасалари битиувчилари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, касб-хунар коллежлари битиувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида қўнимлилиги учун иш берувчилар масъулиятини ошириш;
- ижтимоий шериклар томонидан янги иш ўринлари яратилиши ва ишсизлик даражаси камайтирилиши устидан давлат назорати ва жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш, касаба уюшмалари вакилларини ҳокимликлар хузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этишга кўмаклашиш;

- чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига риоя этилишини биргаликда назорат қилиш, бошқа кичик бизнес субъектлари учун шу каби талаблар ишлаб чиқилиши ҳамда жорий этилиши чораларини кўриш;
- туманларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Меҳнат вазирлигининг 2016 йил 1 августдаги 27-24 к/қ – сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар сони ва иш ҳақи фондининг энг кам меъёрларини белгилаш тўғрисидаги низом” талабларига риоя этилишига кўмаклашиш;
- Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний хукуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиши, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- - Меҳнат миграциясини хукукий тартибга солиш, шунингдек, қайтиб келаётган мигрантларни ишга жойлаштириш бўйича амалий чоралар кўриш.

V. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги.

12. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- 2019-2021 йилларда меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилашга доир ҳаракат дастурини қабул қилиш ва бунда корхоналарда “яшил иш ўринлари”, яъни муносиб меҳнат шароитларига эга иш ўринлари ташкил этишни кўзда тутиш;
- ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда текширишни амалда кенг кўллаш.

13. Қуйидагилар устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш:

- иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизими билан тўлиқ қамраб олиниши;
- корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни молиялаштириш;
- иш ўринларини меҳнат шароитлари ва ускуналарнинг шикаст етказиши мумкинлиги бўйича шаҳодатдан ўтказиш;

- ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, шунингдек, ишлаб чиқаришда бошқа барча баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида ахборот олиш;
- меҳнат муҳофазаси аҳволини ўрганиш, иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномалари ва келишувларида кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш обьектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил экспертлар иштирок этиши;
- техник тартибга солишга оид меъёрий хужжатлар ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;
- ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси талабларининг бузилиши ва баҳтсиз ҳодисаларни яширганлиқда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга мурожаат қилиш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш, малакасини ошириш, жамоа шартномаларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун шароитларни яратиш мажбуриятини киритиш.

14. Меҳнат муҳофазаси бўйича қоидалар ва нормаларни қайта кўриб чиқиши, ишлаб чиқиши ва жорий этиши дастурини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

15. Меҳнат муҳофазаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

16. Касаба уюшмалари томонидан “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови”да иштирок этиши мақсадида туман (шаҳар), вилоят кўрик-танловларини ташкил этиши.

VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя.

17. Ишлаётган фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга ошириши”нинг оиди.

оширишга оид Давлат дастури" ижроси таъминланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- ҳар бир маҳаллада ёлгиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан "Наврӯз" ва "Мустақиллик" байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиши;

- жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган оилаларга, болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб бориши;

- бирлашма ва иш берувчилар томонидан ёлгиз кексаларга, шунингдек "Саҳоват" ва "Мурувват" уйларига моддий кўмак чораларини қўллаши;

- бизнеснинг корпоратив ижтимоий масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- энг кам миқдори қонун хужжатларида назарда тутиладиган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар тўланишини жамоа келишувлари ва шартномалари орқали жамоатчилик назорати тартибида назорат қилишни йўлга қўйиши;

- ногиронлар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга имтиёзлар берилишини кўриб чиқиши.

VII. Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш.

18. Тарафлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

- иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш, туризм ва соғломлаштиришни ташкил этиш чораларини кўриб боришини тавсия қилиши;

- ҳар йили ишловчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларий ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини қасаба уюшмалари санаторийларида ижтимоий сугурта бюджети маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштиришни кўзда тутиши;

- ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;
- болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчиларини соғломлаштирилишига кўмаклашиб бориш;
- болаларни соғломлаштириш учун замонавий шароитлар яратиш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида сменалар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш;
- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўtkазиш, ички туризмни ташкил этиш;
- маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, меҳнаткашларни маданий дам олишини таъминлаш мақсадида маданият саройлари, марказлари, спорт-соғломлаштириш муассасаларини талаб даражасидаги моддий-техник аҳволда сақлаб туриш учун маблаг ажратиш. «Маънавият соатлари»ни ўtkазиб бориш.

VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар.

19. Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун хуҗжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

- a) Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:
 - “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;
 - “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
 - “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
 - “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
 - “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;
 - “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;
 - “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.
- b) Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий кўллаб-куватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:
 - ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

- болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;
- касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида кўшимча имтиёзлар ўрнатиш;
- узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид килиш, уй-жой курилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

в) Битирувчи ёшларни ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида кўнимлилигини алоҳида назоратга олиш.

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш.

20. Ҳар бир меҳнат жамоасида “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш. Бунда, таълим муассасасини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни “Устоз” сифатида бириктириш ва “Устоз” ходимларни рағбатлантириш миқдорини жамоа шартномаларида аник белгилаш.

IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш.

21. Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йўл билан ҳал этиш услуги ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

- долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳокимиёт, вилоят ташкилот, муассасалари ва идоралари вакиллари билан давра сухбатларини ташкил этиб бориш;
- Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳукуқларига риоя этиш, уларнинг қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратишга кўмаклашиш;
- кичик бизнес ташкилотларида ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солиш амалиётини кенгайтиришга ёрдам бериш.

22. Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

- тегишли корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини март ойидан кечиктирмай тузишни;
- жамоа шартномаларини бажариш якунларини меҳнат жамоалари умумий йигилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктиրмасдан кўриб чиқилишини.

23. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

- вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раҳбар ходимларини Ҳалқ Депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли масалалар бўйича доимий комиссиялари таркибига киритиш ва йигилишларида кузатувчи сифатида иштирок этишларини;
- бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларининг жавобгарлиги.

24. Мазкур келишув 2019-2021 йиллар учун тузилган бўлиб, навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Жиззах вилоятининг барча туман (шахар) ҳудудларида амал қиласди.

25. Мазкур келишув вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари хусусияти билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилиш шартларини белгилайди.

26. Мазкур келишувнинг айрим меърий ҳолатлари тармоқ келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

27. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф, унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

28. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини муҳокама қилиб бориш.

29. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг хар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

30. Мазкур келишувнинг бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган уч томонлама комиссия амалга оширади.



Жizzах вилоят

хокими

Э.Салиев

Жizzах вилоят Касаба
уюшмалари ташкилотлари
бирлашмаси Кенгashi раиси



Н.Пардаев

Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси Жizzах вилоят
худудий бошқармаси бошлиғи



Г.Усмонов